

## **Шоядки, такводор бўлсаларингиз**

### **Ўн тўққизинчи қисм**

**«Улар: «Эй Роббимиз, Ўзинг бизга жуфти халолларимиздан ва зурриётларимиздан кўзимиз кувонадиган нарса хадя эт хамда бизларни такводорларга йўлбошчи эт», дейдиганлардир». (Фурқон сураси, 74-оят)**

Ўн биринчи сифат: Доимо ахли аёллари ва фарзандлари хам Ислом йўлида юришининг пайида бўлиш хамда такводорларнинг пешвоси бўлишга уриниш.

Рахмоннинг суюкли бандалари доимо жуфти халолларидан хам, бола-чакаларидан хам кўзларини кувончга тўлдирадиган нарсаларни кўришни Аллох таолодан сўраш билан бирга, бунга ҳаракат хам қилишади. Ўз шахсларининг эса таквода бошқаларга ўрнак бўлиши учун

**«Фиръавн кавмига. (Биздан) кўркмайдиларми?!» деб нидо қилганини эсла». (Шуаро сураси, 11-оят)**

Аллох таоло Мусо алайхиссаломни Пайгамбар қилиб юбораётиб, унга шундай нидо қилди:

**«У золим кавмига боргин. Фиръавн кавмига. (Биздан) кўркмайдиларми?!»**

Оятда Фиръавн кавми «золим» деб аталмоқда. Дарҳақиқат, Аллохга қуфр келтириш энг улкан маънавий зулмдир. Фиръавн кавми золим эди. Шу билан бирга, улар Мусо алайхиссаломнинг кавмига – Бани Исроилга зулм ўтказар эди. Бу ишларни Аллохдан кўркмаганларидан қилар эдилар. Аллох таоло Пайгамбари Мусо алайхиссаломга ўша кавмининг золимлигини, аслида улар Аллохдан кўркишлари лозимлигини эслатиб қўймоқда.

**«Ва жаннат такводорларга яқинлаштирилди». (Шуаро сураси, 90-оят)**

Яъни жаннат бу дунёда иймону амали солих билан, Аллохнинг айтганини қилиб, қайтарганидан қайтиб ўтган такводорлар кўзларига кўрсатиб қўйилади.

**«Ўшанда уларга биродарлари Нух деди: «Кўркмайсиэми»?! (Шуаро сураси, 106-оят)**

Яъни эй кавмим, нимага буту санамларга ибодат қилмоқдасиз? Аллох таолодан кўркмайсизми?!

**«Бас, Аллохдан кўркинлар ва менга итоат қилинлар».** *(Шуаро сураси, 108-оят)*  
Яъни сизлар бу дунёда Аллохга такво қилиб, У Зотнинг амрларини бажо этиб, наҳйиларидан қайтиб ҳаёт кечиринг. Аллохнинг ҳақ Пайгамбари бўлганим учун, У Зотнинг амр ва наҳйиларини сизларга етказиб турганим учун, менга итоат қилин.  
**«Бас, Аллохдан кўркинлар ва менга итоат қилинлар».** *(Шуаро сураси, 110-оят)*

Хар бир шариатда Аллохдан кўркиш ва Пайгамбарга итоат қилиш асос бўлгани учун ушбу амр яна такрорланди.

**«Ўшанда уларга биродарлари Худ деди: «Кўркмайсизларми»?!** *(Шуаро сураси, 124-оят)*

**«Бас, Аллохдан кўркинлар ва менга итоат қилинлар».** *(Шуаро сураси, 126-оят)*

**«Бас, Аллохдан кўркин ва менга итоат қилин».** *(Шуаро сураси, 131-оят)*

**«Сизга ўзингиз билган нарса ила мадад берган Зотдан кўркин».** *(Шуаро сураси, 132-оят)*

Аллох сизга нималар ила мадад берганини ўзингиз яхши биласиз, улар олдингизда турибди. Ўша Зотдан кўркин, Унга такво қилин.

**«Ўшанда уларга биродарлари Солих деди: «Кўркмайсизларми»?!** *(Шуаро сураси, 142-оят)*

**«Бас, Аллохдан кўркинлар ва менга итоат қилинлар».** *(Шуаро сураси, 144-оят)*

**«Бас, Аллохдан кўркинлар ва менга итоат килинлар».** (Шуаро сураси, 150-оят)

Эй кавмим, сиз манманлик ва моддапарастлик ҳамда бехуда айшу ишратни тарк килиб, Аллох таолога такво килинлар ва менга итоат килинлар.

**«Ўшанда уларга биродарлари Лут деди: «Кўркмайсиэлларми»?!** (Шуаро сураси, 161-оят)

**«Бас, Аллохдан кўркинлар ва менга итоат килинлар».** (Шуаро сураси, 163-оят)

**«Ўшанда уларга Шуайб деди: «Кўркмайсиэлларми»?!** (Шуаро сураси, 177-оят)

**«Бас, Аллохдан кўркинлар ва менга итоат килинлар».** (Шуаро сураси, 179-оят)

**«Ва иймон келтириб, такво килиб юрганларга нажот бердик».** (Намл сураси, 53-оят)

Аввалги ўтган мўмин ва такводорларга нажот берганимиздек, Солих кавмининг ҳам мўмин ва такводорларига нажот бердик. Улардан кейин келадиган мўмин ва такводорларга ҳам нажот берамиз.

Эй Роббимиз, Ўзинг бизга жуфти халолларимиздан ва зурриётларимиздан кўзимиз кувонадиган нарса хадя эт ҳамда бизларни такводорларга йўлбошчи эт!  
Аллохим, бу дунёда ҳам жаннатни кўзларимизга кўрсатиб кўйгин, Сендангина кўркиб, Сенгагина такво килайлик ва бизларга нажот бергин.